

И Н С О Н

В А Қ О Н У

тур
го

ланг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1996 йил 30 январдан
чиқа бошлаган

2000 йил
3 октябр, сешанба

№ 40 (192)

Сотувда эри
нархда

Президентимизнинг "Дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг кимлигини, унинг қиёфасини ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди", деган сўзларини ўқирканман, икки хил тоифадаги раҳбарлар кўз ўнгимда гавдаланади. Биринчи тоифага кирувчи раҳбарлар озчиликни ташкил этиб, улар ўз эгаллаб турган лавозимларига муносиб бўлмаса-да, амалпарастлик, манфаатпарастлик, кўзбўямачилик, таниш-билишчиликка йўл қўйиш, шахсий бойлик орттириш йўлида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдилар. Тили бошқа, дили бошқа бундай кимсалар ўз манфаатла-

Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Фарғона вилояти божхона бошқармаси бошлиғи, полковник.

1997 йилнинг август ойида раҳбарлик вазифасига тайинланган Иброҳимжон ака аввало кадрлар билан иш бошлади. Иш бошлаганига бир ой бўлар-бўлмас "Маънавият, маърифат - касб маҳорати" ўқувларини ташкил этди. Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашда ижобий натижа кам бўлишига маънавий етишмовчилик сабаб дея ҳисоблаган раҳбар адашмаган эди. Маънавият сабоқлари ҳамда талабчан раҳбар саъй-ҳаракатлари тез орада ўз меvasини берди. Ходимлар сараланди. Ҳалол ва пок ходимлар номига ҳам доғ тушириб келатган нопок ходимларнинг "дав-

латлари орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистонда фан ютуқларига асосланган божхона экспертизаси лабораторияси ташкил этилди. Бу лабораторияда И.Асқаровнинг бевосита раҳбарлигида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида 1997 йил 15 июлдаги Республика Фан ва техника давлат қўмитасининг 14-сонли қарори билан дунёда биринчи марта янги фан соҳаси рўйхатга олинди. Бу фан соҳасининг номи "Товарларнинг кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш ҳамда божхона экспертизаси" деб номланади. Бу фан республикаимиз учун нима беради, деган саволга муаллиф қуйидагича жавоб қилди:

- Биринчидан, дунё миқёсидаги янги фан соҳаси Ўзбекистон Республикасида яратилди. Иккинчи-


РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ

ри йўлида виждонини, ор-номусини ҳам ўйламай-нетмай пуллайдилар. Соғлом ва мустақил фикрли, ҳақиқат юзига тик қаровчи инсон, улар назарида, ўжар ва бетамиз бўлиб кўринади. Афсус ва надоматлар бўлсинким, бундай кимсаларга гоҳида дуч келамиз, уларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатларини сезамиз, кўрამизу ўзимизни сезмаганга, кўрмаганга оламиз. Уларга қарши курашмаймиз. Бу би-

рон суриш даври" яқун топди. Кейинги 2 йилда бюджетга келтирилган фойда 1996 йилга нисбатан 10-11 баробарга ортибди.

Биргина 1999 йилда 1690 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, мусодара қилинган товармоддий бойликларнинг қиймати 78598,0 минг сўмни ташкил этиб, 1308 нафар ҳуқуқбузар шахсларга 40647,0 минг сўм миқдориде жарима солинган. 458 та ҳолатда 120 тоннадан

дан эса республика иқтисодиётини халқаро иқтисодий муносабатлар жараёнида илмий асосда муҳофаза қилиш имкониятини беради. Ўзбекистондан чет эл давлатларига экспорт қилинадиган ҳар бир товарни кимёвий таркиби асосида синфлаш орқали маҳсулотларни ўз баҳоларига сотиш имкони яратилади. Бу республикаимиз иқтисодиётини халқаро миқёсда муҳофаза қилиш имконини беради.



Қонун - ҳам қилч, ҳам қалқондир!

И Н С О Н

В А Қ О Н У Н

Тур
го
ланг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТИ

1996 йил 30 январдан
чиқа бошлаган

2000 йил
3 октябр, сешанба

№ 40 (192)

Сотувда эр
нархда

кўрмаганга оламиз. Уларга қарши курашмаймиз. Бу билан жамиятга ижтимоий зарар келтираемиз.

Иккинчи тоифа раҳбарлар эса... Она юртимизда ўз манфаатидан эл манфаатини устун қўядиган фидойи, танги раҳбарлар талайгина. Улар ўзига ва одамларга ишонадилар. Ана шу ишонч уларни ҳеч қачон тўғри йўлдан оғдирмайди. Бундай раҳбар қўл остида ишлаган ходим фаолиятида фақатгина ишонч руҳини ҳис қиласиз. Бу ўринда яна Президентимизнинг сўзини эслаш жоиз деб ўйлайман: "Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда, биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли инсонни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозу-да тегиш билан ўлчайди. У ҳар бир ҳақиқатни, ҳуҷасини мантиқ асосида кўрган киши етук инсон бўлади".

Сизларга таништирамоқчи бўлган инсонни бир оғиз сўз билан комил инсон дея ишонч билан айта оламан. Иброҳимжон Асқаров 1949 йили Андижон вилоятининг Жалолқудук туманида туғилган. Мутахассислиги - кимёгар. Кимё фанлари доктори. Ўзбекистон

миқдорида жарима солинган. 458 та ҳолатда 120 тоннадан ортиқ умумий қиймати 6289,0 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тўхтаб қолинди.

Фарғона вилоят божхона бошқармаси республика миқёсида ўз нуфузига эга бўлгани ҳолда талабчан раҳбар ўз устида ишлашдан толмайди. 1998 йилнинг 2-ярмида Фарғона вилоят божхонаси бошқармаси қошида юқори малакали божхона хизмати ходимларини тайёрлашга мўлжалланган республика вилоятлараро ўқув маркази ташкил этилди. Бу марказда 5 ой давомида божхона тизимида ишга қабул қилинган олий маълумотли мутахассислар дастлабки тайёргарлик малакаларини оладилар.

- Менга 1993 йили Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасида илмий асосда республикада божхона экспертиза лабораторияси ташкил этиш учун янги бошқарма тузиш вазифаси юклатилган эди, - дейди И. Асқаров. - Энг аввало қилган ишим шу бўлдики, Фарғона вилоят божхонасида бўлиб, олимлар билан ижодий мулоқотлар қилдим. Лекин кутган натижани ололмадим. Шундан сўнг шу йилиёқ божхона экспертизаси лабораториясини жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш учун Испания давлатига бордик. У ердан халқаро миқёсдаги эксперт сертификати билан қайтдик.

1993 йили Ҳамдўстлик дав-

аро миқёсда муҳофаза қилиш имконини беради.

Иброҳимжон Асқаровнинг мамлакат иқтисодиётига қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланиб, мустақиллигимизнинг 1 йиллиги арафасида Президент Фармони билан у "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган изобретчи ва рационализатор" фахрий унвони соҳиби бўлди.

1996 йили И.Асқаров Республика Давлат Божхона қўмитасининг Марказий божхона экспертиза лабораторияси бошлиғи эди. Лабораторияга Бутунжаҳон Божхона ташкилоти бош қотиби жаноб Жемс Шавер ташриф буюрди. У лабораторияда қилинаётган ишлар билан қизиқиб, лаборатория бошлиғи билан фикр алмашди. Жаноб Жемс Шавер топшириғига кўра, бу лабораторияга 6 миллион эюлик 10 дан ортиқ ионавий асбоб-ускуналар таъминотига сифатида келтирилди.

Ўз касби сифатида И.Асқаров на бундан бундан бундан келтиришга ироқ шу нарсани ие самаран айтиш жоизки, раҳбарнинг маънавияти қанчалар юксак бўлса, унинг ишидан элга, юртга келадиган фойда ҳам шунчалар юқори бўлади. Иброҳимжон Асқаровнинг фаолияти бунинг ёрқин далилидир.

Мўътабар ТОЖИБОЕВА